

Хамраев Олимжон Яхшибоевич
ЎзМУ Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси катта ўқитувчиси

Расулова Мукаррам Отабековна
ЎзМУ Иқтисодиёт факультети талабаси
Талабалар илмий жамияти аъзоси

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИ БҮЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ДАВЛАТ СИЁСАТИ**

Аннотация: Мақолада Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ривожланишининг хусусиятлар ва босқичлари ёритиб берилган. Хитойнинг ўзига хос бўлган ҳудудий ривожланиш стратегиялари мавжудлиги асослаб берилган.

Аннотация: В статье описаны особенности экономического развития и ее этапы в Китайской Народной Республики. Обоснованы специфика стратегий развития регионов Китая.

Abstract: The article describes the features of economic development and its stages in the People's Republic of China. The specifics of the strategies for the development of the regions of China are justified.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топган кунга қадар, яъни 1949 йилгача - қолоқ бўлиб келган, унинг минтақалари иқтисодиётини ривожланиш даражаси ҳам анча орқада қолиб келмоқда эди. Мамлакат раҳбариятитнинг ишлаб чиқариш кучларини тақсимлашда бир томонлама ёндашиши, унинг ривожланиш натижасига ўз таъсирини ўтказди. Бутун саноат қувватининг ярмидан кўпи 5 та шаҳарларда: Шанхай, Тяньцзинь, Гуанчжоу, Чанчун ва Синчжоуда жамланган бўлиб, улар орасида, биринчидан, Хитойнинг марказга бўйсунган 4 та йирик шаҳарлари бўлса, иккинчидан, айнан мана шу шаҳарларга чет эл инвестициялари энг кўп ҳажмда киритилди. Чунки мазкур ҳудудлар Хитойнинг “Очиқлик” сиёсати асосида чет эл сармояларини жалб учун қулай маконлар бўлиб чиқди ва аксинча, мамлакатнинг чет жойларида жойлашган, айниқса, унинг ҳарбийлашган, шимолий ҳудудлари бундай ҳолатлардан мустасно бўлди ва охир оқибатда ўз иқтисодий ривожланишида ҳам оқсаб келди.

Бу юқорида таъкидланган барча кўрсаткичлар эса макроиқтисодий барқарорлик, инфляция даражасини пасайтириш, пул ҳажмини ва давлат бюджетини тақчиллигини чеклаш каби кўрсаткичларга эришишга ёрдам беради. Бу кўрсаткичлар эса, бозор механизмини амал қилишининг, иқтисодий, молиявий барқарорликнинг ва событқадамлик билан ўсишнинг муқаррар, энг муҳим шартлари ҳисобланади.

1949 йилнинг 1-октябрида Тяньаньмэн майдонида 300 минг нафар аҳоли йиғилиб, Хитой Халқ хукумати раиси Мао Цзэдун томонидан Хитой Халқ Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди. Кейинчалик, мамлакатда асосий эътибор (1950-52 йй.) халқ хўжалигини тиклашга қаратилди ва 1953-56 йилларда қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатдаги кустар саноат ва капиталистик тизимга асосланган корхоналар ўзгартирилиб, ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ мулки сифатида қараш ҳолати халқ онгига сингдирилиб борилди. Шу аснода, янги демократиядан социализмга ўтиш якунланди.

Хитой Халқ Республикаси ўз олдига мамлакатни индустрналлаштиришни режалаштирди ва ушбу йўналишда янги дастур қабул қилинди. Мамлакатни индустрналлаштиришнинг қабул қилинган янги Хитой специфик курси бир вақтнинг ўзида ҳам саноатни, ҳам қишлоқ хўжалигини, кичик ва йирик корхоналарни ҳамда ишлаб чиқаришнинг анъанавий ва замонавий турларини ривожлантиришни кўзда тутган эди. Бу дастурга биноан, 1958-1962 йиллар ичида саноат ишлаб чиқариш 6,5 марта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш эса, 2,5 маротабага ошириш, пўлат қўйишни 100 млн. тоннагача етказиш (1950 йилларнинг 2- ярмида Хитойда салкам 2 млн. тонна пўлат қўйилар эди), алюминий ишлаб чиқаришни - 33 маротабага, электроэнергияни ишлаб чиқаришни эса, 20 баробарига ошириш лозим эди.

Мамлакатда қабул қилинган «Ўз кучига таяниш» шиори остида барча жойларда кичик корхоналарни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш даражасини аҳамиятли тарзда юқорига кўтариш кўзда тутилган эди. Ҳаттоқи, жамоа корхоналари ҳам директив (юқоридан буйруқ бериш асосида) режалаштириш тартибида ишлар эди. Унинг натижасида мамлакат иқтисодиёти мувозанатининг бузилиши, ишлаб чиқариш имтизоми ва техник нормативларнинг бузилишлари юз берди. Саноатнинг бошқа соҳалари орасида қора металлургия соҳаси устунроқ турар эди.

«Катта сакрашнинг» ўз-ўзини таъминлаш ва маҳаллий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш кўрсатмалари ислоҳатлардаги бошланғич ғояни бузилишига олиб келди. Саноатни бошқариш тизимининг ҳамма босқичларида хўжалик юритиш ташкилотларида иш олиб бориш куйидан юқорига қараб йўналтирилди. 1958 йилда 9000 та корхонадан фақатгина 1000 та корхона марказга бўйсунувчи бўлиб қолди. Асосий маҳсулотларни марказлашган ҳолда тақсимлаш соҳаси 100 тагача қисқарди.

«Катта сакрашнинг» салбий оқибатлари 1960 йилдаёқ кўрина бошлади. Майда ишлаб чиқаришнинг кенг тарқатилиши замонавий саноат ишлаб чиқаришни бузилишига олиб келди. Шу билан бир қаторда, олиб борилган ишлар мавжуд хом ашёning улкан миқдорда чиқитга чиқишига, энергия ва меҳнат ресурсларини керагидан ортиқроқ фойдаланишига олиб келди. Корхоналардаги мавжуд техник назорат бўлимини бекор қилиниши, керакли материалларни етишмаслиги, турли хил паст сифатли хом ашёлардан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати тезлик

билин пасайишига олиб келди. Агар, иккинчи беш йиликнинг биринчи уч йилида ишлаб чиқариш 2.5 маротабага ошган бўлса, кейинги икки йилда, яъни 1961-1962 йилларда, у аксинча, 2 маротабага қисқарди. Халқ хўжалигидаги тўлиқ хўжалик юритишдаги анархиянинг реал ҳавфи туғилиб, унинг натижасида «Катта сакраш» курси бекор қилинди.

1966 йилда яна бир маротаба иқтисодий ривожланишда хатога йўл қўйилди, яъни “Маданий инқилоб” дастурини амалга оширилиши натижасида, мамлакат яна бир маротаба улкан талофатга юз тутди. Шу йили бошланган «Маданий инқилоб» партия ва давлат органларини бир неча йиллик фаолиятини барбод қилиб, зиёли ва техник мутахассисларга нисбатан репрессияларни кучайтириш билан кечди. Бу эса, хўжалик ҳаётида тартибсизликларга олиб келди ва саноатни ривожлантириш ишига жуда ҳам салбий таъсир кўрсатди. Буларни мустаҳкамлаш учун эса, жойларда марказий ҳукумат минтақаларга ўз ҳуқуқларини бир оз кенгайтиришга рухсат берди ва шу йилда улар қўл остига деярли ҳамма кичик корхоналар ўтказилди. 1967-1968 йилларда Хитой Халқ Республикаси ташкил топган сўнгги йилларга қараганда саноат ишлаб чиқарилиши 2 маротабага пасайди. Бундан қўпроқ металлургия, қўмир ва текстил саноатлари талофат кўрди. Хуллас, бу “Маданий инқилоб” оқибатида ҳам мамлакат иқтисодий жиҳатдан (600 млрд.юан микдорида зиён кўрди) катта талофатларга юз тутди. 1976 йилда ХКПси МҚ кенг омма ёрдамида аксилинқилобий гурухларга қарши курашди ва шу билан янги тарихий даврга қадам қўйилди.

Хитой ташкил топган даврда мамлакатнинг шимолий-ғарбий ҳудудиига, яъни, мамлакат ҳудудини 1/3 қисмига ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг атиги 2% гина тўғри келар эди. Биринчи беш йилликдан бошлаб, шарқдаги эски саноат районларини фаол ишлатиш курси қабул қилинди. Шулар билан биргалиқда, мамлакатнинг чет ва қолоқ жойларда янги индустрисал марказлар барпо этила бошлади.

Мазкур беш йилликда саноатни асосий фондларига киритилариган инвестицияларни 55,9%и энди ички районларга тўғри келди. У ерда 68% янги йирик обьектлар қурилиб ишга туширилди. Аста-секин денгиздан узоқ жойлашган шаҳарлар ҳам саноат марказларига айлана борди.

Агар, 1956-1966 йилларда Хитойда “катта сакраш” ва 1966-1976 йиллардаги “маданий инқилоб” дастурларини бажариш бўйича амалга оширилган ишлардаги хатоликлари юз бермаганида эди, саноат ишлаб чиқаришини бошқа тармоқларини географик текис жойлаштириш жараёни янаям, самарали бўлган бўлар эди. Ўша даврда мамлакатнинг ҳар бир районида, ҳар бир провинциясида, уездиде “ўз-ўзини таъминловчи” ва “ўз кучига таяниш” шиорлари натижасида, мамлакатда тўлиқ иқтисодий мажмуа яратиш концепцияси устунлик қиласи эди.

Кичик, яримкустар ишлаб чиқаришга йўналтириш эса, тўпланган маблағни сочилишига, бўш ривожланган умуммиллий бозорни йўқ бўлишига олиб келиши мумкин эди. Мамлакатда бир неча йилларга мўлжалланган халқ хўжалигини тартибга солиш режаси ишлаб чиқилиб, бунда саноат қурилиш

ишларини консервация қилиш ҳам мавжуд бўлиб, бу нарса қолоқ районларда ҳам олиб борилди. Натижада, умумий ишлаб чиқаришни жойлаштиришда диспропорцияларни (номутаносибликлар) ечиш жараёнларини амалга оширишни кўп йилларга кечиктириди.

Бунинг устига устак, 1960-1970 - йилларда собиқ СССР билан муносабатларни кескинлашуви, ХХР раҳбариятини “урушга тайёргарлик кўришга, окопларни чуқурроқ қазишга ва дон билан эҳтиёт шарт таъминлашга” ундаиди.¹ Бунинг натижасида, юзлаб корхоналар, биринчи навбатда ҳарбий корхоналар мамлакат ичкарисига зудлик билан кўчиришни амалга оширилиши юз берди, бу бемаъно “стратегик” операция натижасида, мамлакатга яна улкан зарар келтирилди.

Мана шу юқорида таъкидланган хусусиятлар Хитой хукуматини ўз минтақавий иқтисодий сиёсатини шаклланишида ва ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда улкан роль ўйнади.

Агар, Хитой давлатини Пекин, Шанхай, Тяньцзинь ва Чанчун каби шаҳарларига (мегаполисларга) ўхшаш ва бошқа йирик шаҳарларига назар соладиган бўлсақ, унда ғарб давлатлари сингари ривожланган инфратузилма; осмонўпар иморатлар, банклар, меҳмонхоналар, автомагистраллар кўз олдимизда номоён бўлади. Улар билан ёнма-ён жуда яхши ҳолда сақланиб қолган қадимий тарихий обидалар бир-бирига мос тушиб турганини кўрамиз.

Хитойнинг баланд тоғлар, сувсиз чўллар, бапоён қир-адирлардан иборат ҳудудлари шарқий ҳудудларга қараганда анча орқада қолган бўлиб, ҳар иккала кутб, умуман, бир-бирига сира ўхшамасдир. Албатта, бундай ҳолат ХХРни ривожланиш мантиғига тўғри келмайди. Айнан, шунинг учун ҳам, Хитой хукумати ўз олдига минтақавий сиёсатни оптималь тарзда амалга ошириш, мамлакат ҳудудларини бир-бири олдида камситмаслик шиори остида, ишлаб чиқиши вазифа қилиб қўйди ва уни амалга оширишнинг асосий тамойилларини, йўналишларини белгилаб олди.

Хитой давлати ХХР ташкил топган кунга қадар жуда ҳам қолоқ бўлиб, ундаги ишлаб чиқариш кучларини тақсимланишида бир томонлама қаралган, улар мамлакат аҳолисининг йирик нисбатан, ривожланган шаҳарларига кўпроқ жамланганлиги билан характерланар эди. Хитойдаги барча саноат ишлаб чиқариш қувватининг ярмидан кўпи, савдо шаҳобчалари ва маданий-оқартув билим юртлари ва таълим муассасалари асосан, унинг йирикроқ шаҳарларида жойлашган эди.

Хитой давлати учун, унинг ҳаддан ташқари кўп бўлган аҳолиси, унинг ҳудудларини бекиёс ва бепаёнлиги ҳамда уларнинг турлича даражаси ва контрастлиги сабабли, мамлакатда рационал минтақавий сиёсатни олиб боришнинг қанчалик мураккаб ва муҳимлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, минтақавий сиёсатнинг муҳим қисмлари – бу ундаги ишлаб чиқариш кучларининг оптималь ҳолда жойлаштирилиши, унинг иқтисодий салоҳияти, ундаги замонавий фан ва техника марказларининг мавжудлиги,

¹ Энциклопедия нового Китая, Прогресс, Москва, 1989, С.127.

мамлакат ва минтақага кирувчи алоҳида унинг қисмлари ҳамда жамиятнинг умумдавлат миқёсида ривожланиши учун зарур шароит ҳисобланган ундаги инфратузилмаларнинг мавжудлигидан иборатдир.

Бунда биринчи даражали аҳамият касб этувчи омиллар – бу мамлакатдаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойладалана билиш, ундаги турли ҳудудларида эркин зоналар хусусиятларидан давлатнинг фаолияти учун тўлиқрок равишда аниқ мақсадларга йўналтира олишдан иборатдир. Ушбу мақсадлар яқин ва узоқ муддатларда аниқ сиёсий, хўжалик қарорларида, режаларда ва дастурларда ўз аксини топиши лозимдир. Мана шу юқорида таъкидланган хусусиятлар Хитой ҳукуматини минтақавий сиёсатини шаклланишида ва ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда улкан роль ўйнади.

Агар, Хитой давлати аҳолисининг сони бугунги кунда 1 млрд.371 млн. кишидан (2014 й.) иборат бўлса, улардан деярли 900 млн. киши меҳнатга лаёқатлиларни ташкил этади. Мана шу меҳнатга лаёқатлиларнинг асосий қисми мамлакатдаги саноати ривожланган ҳудудларга тўғри келади.

Иқтисодий ислоҳотлар бошланиши билан, 1978-1980-йилларда бозор муносабатларини секин-аста жорий этишга йўналтирилган хўжалик қурилиши услублари ва тамойилларини кўриб чиқиши билан биргаликда, минтақавий сиёсатда ҳам янги қаравшлар вужудга келди. Унинг асосийларидан бири – давлат томонидан хўжалик юритиш жараёнларини бошқаришни максимал жорий этиш билан кечди. Бу тамойиллар нафақат, янги обьектларни қуришга, балки, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини эксплуатация қилиш соҳасига ҳам қаратилган бўлиб, унда бозор мотивлари ҳукуматни табиий, моддий ва кишилик ресурсларидан рационал фойдаланишга, меҳнатни минтақалараро тўғри тақсимлашга ва уларни бирлаштиришга (кооперациялашувга) йўналтирилди.

Иккинчи томонидан, иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад, ўсиб бораётган провинциялараро мустақилликни, бир-бирига қарама-қаршиликни, маҳаллийчиликни келтириб чиқарди.

Албатта, XXРда бундай ҳолат узоққа чўзилмади. Конституция ва бошқа норматив актлар орқали уларнинг, яъни “марказ ва маҳаллий” ҳукуматнинг сиёсий, маъмурий, иқтисодий ҳукуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилди. Ишлаб чиқариш маблағларининг мутлақ катта қисми, ҳаттоқи, давлат саноат секторида ҳам марказий ҳукумат қўл остида эмас, балки, маҳаллий маъмурий тизим – провинция, шаҳар, уездга қаравшли мулк ҳисобланди. Баъзи бир маълумотларга қараганда, 1980 йил охирига келиб умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 80% игача маҳаллий ҳукумат органлари томонидан назорат қилинган.

ХХР минтақавий сиёсатининг хусусиятларидан бири – бу шаҳар бўғинига (звеносига) кўпроқ ҳукуқ беришдир. Бу “шаҳарлар ролини ривожлантириш” шиори остида янги хўжалик тизимини шакллантиришга киришиш демакдир. Унинг асосий мақсади - шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги узвий алоқани тиклаш, қишлоқларга техникавий ёрдам кўрсатиш, уларни

малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқа ёрдамлар кўрсатишдан иборат бўлиб, хусусан, улардан энг асосийси – ҳар бир ички микрорайонда ва районлараро муносабатларда бевосита бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бериш бўлди.

Умуммиллий бозорни тиклаш жараёнига ва ундаги ишлаб чиқаришни жойлаштиришга иқтисодий ислоҳотлар икки хил таъсир этди. Бир томондан, ислоҳотларга киритилган тамойиллар, уни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим эди, чунки улар эркин товар айирбошлишга йўл очди.

Иккинчи томондан эса, бозор муносабатларини ривожлантириш билан биргалиқда ислоҳотлар охир оқибатда, умумдавлат бозорига олиб келиши лозим бўлиб, у эса, жаҳон хўжалиги билан узвий боғлиқлиқдадир.

Шу билан бирга, ислоҳотлар давлатнинг режали бошқарув ролини бўшаштириб, маҳаллий ҳукумат органларига кўпроқ ҳукуқ ва имкониятлар яратади ҳамда номарказлашувини кучайтиради.

1980 йилда мана шу ҳудудда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларга алоҳида мақом берилди ва уларга хорижий сармояларни жалб қилиш учун қатор имтиёзлар ва қонун нуқтаи назаридан норматив база ва амалий шароитлар яратилди.

1984 йилдан бошлаб, эксперимент тариқасида, турли хилдаги янги мулк шакллари жорий этила бошлади, яъни: пудрат, ижара, ҳиссадорлик, пай кабилар. 1987 йилдан бошлаб эса, секин-аста деярли ҳамма ўрта ва йирик давлат корхоналари юқори ташкилот билан аниқ ишлаб чиқариш ҳажми ва давлат бюджетига маблағ ажратиш тўғрисида битим тушиб – хўжалик юритишнинг пудрат турига ўтказилди. 1988 йилда давлат секторини ислоҳ этишини фаоллаштириш бўйича бир қатор тадбирлар олиб бориш билан кечди. Ушбу йилда корхоналар тўғрисида қонун қабул қилинди, ҳиссадорлик бўйича тажрибалар амалга оширилиб, мамлакатда Давлат мулк қўмитаси ташкил этилди.

Хитойда янги тизимий сиёsat шаклана бориб, у қишлоқ хўжалиги, оғир ва енгил саноат орасидаги мутаносибликни ҳамда инфратузилмавий таъминотни яхшилашга йўналтирилди. 1980 йиллар ўрталарига келиб, енгил саноатдаги сезиларли орқада қолиш бартараф этилди. Ўсиш суръати бўйича енгил саноат 11,7% ни ташкил этди, оғир саноат эса, атиги 6,6% дан иборат бўлди. Енгил саноатнинг умумий саноат ўсишига қўшган ҳиссаси 59,2% ни ташкил этди.²

1985-1990 йилларда оғир саноатнинг ўсиш суръатлари янаем кўтарилиди ва у қайта ишлаб чиқариш тармоғи фойдасига ҳал бўлди. Агар, 1978 йилда хом ашёвий ва қайта ишловчи соҳалар нисбати 1: 0,96 га тенг бўлган бўлса, 1988 йилга келиб уларнинг нисбати 1:1,67 ташкил этди. Бу йўналишда юқори технологик соҳа ортда қола бошлади. Енгил саноат ичida қишлоқ хўжалик хом ашёсида ишлайдиган тармоқлар жуда ҳам тез суръатларда ўсиб борди, натижада ушбу тармоқлар, нисбатан паст суръатларда ривожланаётган

² Ганшин Г.А. Региональная политика и размещение производительных сил, Китай на пути модернизации и реформ, М., 1999, С.227.

қишлоқ хўжалигига қарама-қарши туриб, унда рақобат муҳитини келтириб чиқарди.

Давлат регламентация ва дотацияларига (пул маблағлари ёрдами) ўрганиб қолган, ва амалда зарар эмас, балки фақатгина даромад (фойда) олиш учун жавобгар бўлган корхоналар «бозор шароитига» унча хуш бермасдан кира бошладилар ёки кирсалар ҳам қисқа муддатли мақсадларни кўзлаган ҳолда унга қатнашдилар. Мавжуд горизонтал алоқаларнинг бўшлиги ва макроиқтисодий назоратнинг паст даражаси натижасида, турли даражадаги хўжалик бошқарувидаги корхоналарга вазифаларни тақсимлаш марказ даражасида амалга оширилар эди. Бунда энг катта ютуққа қуий ташкилотлар эмас, балки улар орасидаги минтақавий бошқарув ташкилотлари эришдилар.

XXРдаги минтақавий бўлиниши, унинг 7- беш йиллик (1986-1990й) режасини тузиш билан бевосита боғлик бўлди. У сиёсий маънога эга бўлиб, минтақавий сиёsat тамойилларидан ва янги вазифалардан келиб чиқди. Бу ерда гап иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи мақсадларига яқинлашиш тўғрисида, XXРни фаол равишда жаҳон хўжалигини алоқалар тизимиға кўшилишига ва бу жараёнга Хитойни ички районларини секин-аста кўшилиши тўғрисида кетади. Шундай қилиб, ғарбий худудларни кенг миқёсли ўзлаштирилиши натижасида, иқтисодий қурилиш марказини шарқий районлардан ғарбий районларга ўтказиш кўзда тутилди. Агар, бу районларни ЯИМ ишлаб чиқаришдаги салмоғини таҳлил қилсак, у қуийдагича кўринишга эгалигини кўрамиз:

1992 йилда ХКПсининг XIV съезди қарорларида иқтисодий ислоҳотларни радикаллаштириш ва хўжалик ривожлантиришни тезлаштириш муаммолари ўз аксини топди. Унда, давлатнинг макроиқтисодий даражада бошқариш жараёнидаги ролини кўриб чиқиши ва сезиларли даражада ҳукуматнинг кейинги вазифаларини ўзгартириш масалалари ҳам кўрилди. 1994 йилда қабул қилинган янги солиқлар тизими катта аҳамиятга эга бўлиб, у минтақавий сиёsatни самарали амалга ошириш учун ёрдам бермоқда. Бир томонидан, маҳаллий даражада молиявий барқарорлик таъминланаётган бўлса, иккинчи томонидан эса, марказий бюджетга келиб тушаётган солиқлар улуши 29% дан 57% га кўпайди.

Давлат бюджетининг бир қисми жойларга мақсадли йўналишда инвестициялар шаклида асосий қурилиш обьектларига, саноат инфратузилмасига, гидромелиорацияга, ўрмон хўжалигига қайтадан тақсимланади. Бундай солиқлар сиёsatи минтақалараро мутаносибликларни текислашда, ички провинцияларда аҳолини яшаш даражасини яхшилашга ва иқтисодиётни юксалтиришдаги белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда ёрдам беради ҳамда қашшоқ районларни юксалтириш ишларини тезлаштиради.

Хитой ҳукуматини мамлакатдаги минтақавий устуворлик ҳолатлари, яъни, Хитойнинг шарқий провинцияларига берилган устуворлик ва уларни кўп йиллар мобайнида пасаймаётганлиги, бир мунча ташвишга солиб қўйди

ҳамда мазкур ҳолат нормал эмаслиги тан олиниб, бу йўналишда жиддий ўзгартишларни амалга ошириш лозимлиги талаб қилинди. Мамлакатда тез-тез турли анжуман ва кенгашларда, илмий доираларда, оммавий ахборот воситаларида Хитойдаги минтақалар орасидаги тенгсизлик ва уларни молиявий таъминлашдаadolатли тақсимланишдан фойдаланиш тўғрисидаги норозилик масалалари ҳақида сўз юритилиб, улар орасидаги энг кучли норозиликлар, мамлакатнинг нисбатан қолоқ ва кам таъминланган ички худудларида яшовчи аҳоли томонидан билдирилиб борилди. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатга кириб келаётган хорижий инвестициялар, кўп ҳолларда мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмига жалб этилиб, ундан Хитойнинг бошқа худудларида истиқомат қилувчи аҳоли зиён кўра бошлади. Улар, қолган худудлардаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан анча орқада қолаётган аҳолининг турмуш тарзида яққол кўрина бошлади.

Мана шу юқорида таъкидланган хусусиятлар Хитой хукуматини минтақавий сиёсатини шаклланишида ва ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда улкан роль ўйнади.

1978 йил охирида ХКП си МК сининг 3 – Пленум, 11 - Чақириғида мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни ва “очиқлик” сиёсатини олиб бориш, яъни мамлакатни жанубий-шарқий худудини чет эл инвестициялари учун дунё давлатларига очиб бериш лозимлиги таъкидланди ва бу ислоҳотларни амалга ошириш учун эса, мамлакатда 1980 йилда «тўртлик модернизацияси» дастури қабул қилинди. Бунда устувор соҳалар аниқлаб олиниб, уларни ривожлантириш биринчи даражали вазифа қилиб белгиланди. Бу соҳалар қуидагиларни ўз ичига олади: қишлоқ хўжалиги; саноат; хизмат кўрсатиш; ҳарбий ҳимоя соҳаларидир.

Хитойнинг ўзига хос бўлган худудий ривожланиш стратегиялари мавжуд. Бу давлат томонидан маълум бир худудни ривожлантириш учун олиб борадиган сиёсати ҳисобланади. Бу стратегиялар Хитойдаги анчайин камбағал ҳисобланган регионларни назарда тутиб, нотенгликнинг кенгайишини олдини олиш ҳисобланади.

- **Хитой ғарбини ривожлантириш**, бу стратегия капитал инвестицияси ва табиий ресурсларни ривожлантириш орқали ғарбий провинцияларнинг иқтисодий ҳолатини оширишни назарда тутади.

- **Хитойнинг шимолий-шарқий қисмини қайтадан тиклаш**, бунда шимолий-шарқий Хитойнинг саноат базасини қайтадан янгилаш назарда тутилган. Бу стратегияда 3 та провинция, Хейлонгджианг, Жилин ва Ляонин шунингдек Ички Монголиянинг шарқий 5 та худудини ўз ичига олади.

- **Марказий Хитой режасини ошириш**, бунда марказий провинцияларнинг ривожланиш тенденцияларини тезлаштиришни назарда тутади. У 6 та провинция: Шанхай, Хэнань, Аньхой, Хубэй Хунань ва Цзянсуларни ўз ичига олади.

- **Учинчи фронт**, асосан жанубий-ғарбий провинцияларга эътибор қаратилади.

Хитой жуда йирик мамлакат бўлганлиги сабабли, кучли ҳукумат иштирокисиз ва бирлашувисиз иқтисодиёт секторида муваффақиятга эришиш мушқул эди. Гонгконг ва Макао осонликча қайтарилимаган ва “бир мамлакат, икки тизим” сиёсати жорий қилинди, бу ерда албатта кучли марказий ҳукуматнинг кучи сезиларли эмас. Шунингдек, “Буюк Ғарбий Ривожланиш”, “Шимолий-шарқий Хитойни қайта тиклаш”, “Марказий Хитойни Кўтариш” ва бошқа ҳудудий иқтисодий ривожланишлар стратегияси ҳам давлат сиёсатининг ажратиб бўлмайдиган ишларидан ҳисобланади.

2001-йилда Хитой ҳукумати “Буюк Ғарбий ривожланиш” стратегиясини илгари сурди, бунда асосий мақсад, ғарбий ички ҳудудлар иқтисодий ривожланишини ошириш ва шарқий ва ғарбий ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш фарқини қисқартириш ҳисобланган. Натижада, молиявий харажатлар ғарб томон силжий бошлаган, инвестиция ҳаркатлари оширилган, инфраструктура яхшиланган, шунингдек имтиёзли сиёсатлар ҳам олиб борилган. Буюк ғарб ривожланиш стратегиясининг натижаси шуни кўрсатдиги Хитой ҳукуматининг бу сиёсати Хитойнинг ғарбий районларининг иқтисодий ривожланишини тезлаштириди ва шарқ ва ғарб ўртасидаги фарқни самарали камайтириди.

Шимолий-шарқий Хитой мамлакатда оғир саноат асосига эга бўлган. Ўзгаришлар давридаги қийинчилilar туфайли, очик эшиклар сиёсатидан бери иқтисодий ривожланиш секин бўлмоқда. Шимолий-шарқий Хитойнинг эски саноат асосини қайта тиклаш учун, Хитой ҳукумати бир қанча сиёсатларни бу ерда кучайтириди ва улкан имкониятларни амалга ошириди. Шундан сўнг, Хитойнинг марказий қисмини ривожлантириш ҳукуматнинг асосий мақсадларидан бўлди. Натижада, “Марказий Хитойни кўтариш” сиёсатини ишлаб чиқди³.

Адабиётлар рўйхати:

1. Энциклопедия нового Китая, Прогресс, Москва, 1989, С.127.
2. Ганшин Г.А. Региональная политика и размещение производительных сил, Китай на пути модернизации и реформ, М.,1999, С.227.
3. Wu Li, Sui Fumin & Zheng Lei, China's Economy, Translated by David Gu

³ Wu Li, Sui Fumin & Zheng Lei, China's Economy, Translated by David Gu